

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD
03/30.01.2020.1.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧЎПОНОВ САНЪАТ ОТАНАЗАРОВИЧ

МИНТАҚАДА ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАР ТУРЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ТАЪЛИМ ВА ДАСТУРЛАШ ХИЗМАТЛАРИ БЎЙИЧА)

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2021

УДК: 316.422:004.41(575.171)(043)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
По экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in economic
sciences**

Чўпонов Санъат Отаназарович

Минтақада инновацион хизматлар турларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш (таълим ва дастурлаш хизматлари бўйича).....3

Чупонов Санъат Отаназарович

Совершенствование организационно-экономического механизма развития видов инновационных услуг в регионе (для образовательных и программных услуг).....29

Chuponov Sanat Otanazarovich

Improving the organizational and economic mechanism for the development of types of innovative services in the region (for educational and program services).....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD
03/30.01.2020.1.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧЎПОНОВ САНЪАТ ОТАНАЗАРОВИЧ

МИНТАҚАДА ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАР ТУРЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ТАЪЛИМ ВА ДАСТУРЛАШ ХИЗМАТЛАРИ БЎЙИЧА)

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt1661 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Досчанов Тангирберген Досчанович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арабов Нурали Уралович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тухлиев Искандар Суюнович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Бердак номидаги Қарақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 03/30.01.2020.1.20.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 30-декабр соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-60-47, факс.: (99861) 223-60-78, e-mail: karsu_info@edu.uz

Диссертация билан Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (60-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-60-47, факс.: (99861) 223-60-78, e-mail: karsu_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил 17-декабр куни таркатилди.
(2021 йил 17-декабрдаги 7-рақамли реестр баённомаси).



К.Убайдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.К.Алымов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

А.Ж.Мусагалиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д. доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида хизматлар соҳасининг ва бунда инновацион хизматлар турларининг аҳамияти кескин ошиб бормоқда. Хизматлар соҳаси ҳамда унинг инновацион турларининг ички ва халқаро савдоси жадал ўсаётган илғор йўналишларидан бўлиб, замонавий иқтисодиётнинг энг истиқболли ва сердаромад тармоғи ҳисобланади. 2020 йилда таълим хизматлари глобал бозори ҳажми олдинги йилга нисбатан 9,4%га ўсиб, 790,7 млрд. Долларни ташкил қилган. Улардан энг кўп, умумий даромаднинг 22,8%ни АҚШ, Хитой 18,8%, Япония 5,9%, Германия 4,6%ва Ҳиндистон 3,5%га тўғри келган¹. Компьютер ва дастурлаш хизматлари экспорти ҳажми эса 469,9 млн. АҚШ долларини ташкил қилган².

Жаҳондаги ривожланган давлатлар иқтисодиётини асосий қисмини хизматлар ташкил қилаётгани каби, жаҳон иқтисодиётида ҳам хизматларнинг улуши кундан кунга ортиб бормоқда. Жаҳон савдосида товарлар савдосига қараганда хизматлар савдоси ўсиши юқори бўлиб, 2005 йилдан 2018 йилгача, яъни пандемиягача ўртача 5.4 % ни ташкил қилди. Бугунги кунда хизматлар савдоси жаҳон савдосининг 20% ини ташкил қилаётган бўлса, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) нинг ҳисоботларига биноан 2040 йилга бориб хизматлар савдоси жаҳон савдосининг 1/3 қисмини ташкил қилиши ёки ҳозирги даражадан яна 50%, ривожланаётган мамлакатларда инновацион рақамли технологияларнинг жорий қилиниши орқали 15% га ўсишини иқтисодчилар прогноз қилмоқдалар³.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида хизматлар халқаро савдоси яқин келажакда мамлакатимизда ва унинг минтақаларида кўпчилик ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда хизматларнинг инновацион йўналишларидан бўлган таълим хизматлари, дастурлаш хизматлари, интеллектуал мулк, инженеринг ва бошқа истиқболли хизматлар турларини жадал суръатларда ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, хизматлар экспортини ўстириш асосида мамлакатимиз инновацион ривожланиши учун ҳар томонлама фойдали тараққиёт йўлига ўтишни таъминлайдиган устувор вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 5 Октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон

¹ Recent Trends in U.S. Services Trade: 2021 Annual Report, [<https://www.usitc.gov/publications/332/pub5192.pdf>]

² <https://www.trademap.org> (Халқаро садо марказининг расмий сайти)

³ WTO World trade report 2019. – P. 232

“Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлдаги ЎРҚ-630-сон “Инновацион фаолият тўғрисида” ги Қонуни, 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги 585-сон “Хоразм вилоятининг илмий-техник ва инновацион салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, 2021 йил 19 апрелдаги 222-сон “Илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, 2021 йил 31 августдаги 556-сон “Ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида ёш мутахассисларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ва соҳага бевосита тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизматлар ва хизматлар халқаро савдосининг умумназарий асосларини хорижий олимлардан Адам Смит, Давид Рикардо, Б. Ҳекшер, Э. Олин, В. Леонтьев, Д. Сальваторлар илмий тадқиқ қилганлар⁴. Шунингдек, халқаро савдонинг ижобий ва салбий жиҳатлари Т. Хилл, Ҳ. Чизброу, Ж. Спюхрер, А. Линдслей, Ж. Сповер, К. Лан, М. Твигвел, Ҳ. Чанг асарларида кенг ёритиб берилган⁵. Айнан инновацион хизматлар ва хизматлар халқаро савдоси масалалари М. Портер, Ф. Котлер, К. Келлер, М. Ингман, С. Йен Там, Р. Ирвинг, Ш. Макгрегор, Н. Бредлей ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган⁶.

⁴ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов [пер. с англ.]. – М.: Эксмо, 2009. – 960 с.; David Ricardo, On the Principles of Political Economy and Taxation (London: John Murray, 1821). 589 p.; E. Heckscher, “The Effect of Foreign Trade on the Distribution of Income” *Ekonomisk Tidskrift*, 21 (1919): 497-512; B. Ohlin, *Interregional and International Trade* (Cambridge, MA: Harvard University Press, 1933); Leontief, W. (1953) *Domestic Production and Foreign Trade: The American Capital Position Re-Examined*. Proceedings of the American Philosophical Society, 97, 332-349; Dominick Salvatore, *International Economics*, 11th ed. Copyright © 2013 John Wiley & Sons, Inc. 836 P.

⁵ Hill T.P. On Goods and Services. *Rev Income Wealth* 1977; 23:315–38; Chesbrough H, Spohrer J. A research manifesto for services science. *Commun ACM* 2006. pp 35-40; Lindsay A, Downs D, Lunn K. Business processes- attempts to find a definition. *InfSoftTechnol* 2003;45:1015-9; Mary Trigwell-Jones(2016) *Cambridge O Level. Commerce Course book. Second edition. Cambridge university press.* P. 155; Ha-Joon Chang (2007). *Bad Samaritans.* Bloomsbury Press.P 280.

⁶ Michael E. Porter. (1998). *The Competitive advantage of nations.* 896 p.; Kotler Ph., Keller K. *Marketing Management.* 15 th Global Edition. Pearson education limited 2016. – P. 422; Michael Engman (2010). *International Trade in Services: new trends and opportunities for developing countries.* The World Bank. Washington, D.C. P. 219; *Trade liberalization and domestic regulations: Implications for Malaysia as regional education hub.* S.Y.Tham. 2014 by Asian Development bank Institute and Organization for economic Co-operation and development. P. 426.; Irving Rosalind (2017). *The role of a transnational education service business in higher education.* A Thesis Submitted for the Degree of Doctor of Education. University of Bath. P. 137.; Shaun Macgregor (2016). *Creativity*

МДХ мамлакатлари олимлари Свириденко Ю.П., Соловьева В.Н., Бабурина В.А., Бурменко Т.Д., Далиленко Н.Н., Туренко Д.А., Сафиуллина А., Фатхиев А., Улесов Д., Седов К.Б., Холодова С.В., Мединская И.В., Рогова Т.М, Галашова Е.А. ва бошқалар томонидан инновацион хизматлар бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилган⁷.

Республикаимиз иқтисодчи олимларидан Пардаев М.Қ., Тухлиев И.С., Очилов И., Абдуллаев Ё.А., Бегалов Б.А., Бекмуродов А.Б., Мусалиев А.А., Ахунова Г.Н., Махмудов Н.М., Досчанов Т.Д., Рўзметов Б.Р., Сафаров Б.Ш., Эшбоев А.Х., Усмонова Р.М., Қўзиев З.Б. ва бошқалар хизматлар ва улар устувор йўналишларининг республикаимиз иқтисодиётидаги ўрни ҳамда хизматларнинг ички ва ташқи савдосининг аҳамияти, шунингдек, моделлаштириш бўйича илмий-назарий тадқиқотлар амалга оширилган⁸.

Уларнинг хизматлар соҳасида олиб борган улкан илмий тадқиқотларини эътироф этган ҳолда, мамлакат иқтисодиётида тобора аҳамияти ортиб бораётган ва йилдан-йилга ЯИМ таркибида улуши ошаётган инновацион хизматлар, хусусан таълим ва дастурлаш хизматлари халқаро савдоси билан боғлиқ масалалар етарлича ўрганилмаганлигини таъкидлаш лозим. Миллий иқтисодиётни етакчи мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, унинг ички ва

and service innovation: an examination of differences between theory and practice. Thesis submitted to the University of Nottingham for the degree of Doctor of Philosophy. P. 285.; Bradley, Nasira (2020). Economics of innovation, productivity and growth. PhD thesis. University of Glasgow. P.171.

⁷ Сфера сервиса: особенности развития, направления и методы исследования. Коллективная монография / Под общ. ред.: Свириденко Ю.П., Соловьева В.Н., Бабурина В.А. – СПб.: Изд-во СПбГИСЭ, 2001. – 303 с.; Бурменко Т.Д., Далиленко Н.Н., Туренко Д.А. Сфера услуг. Экономика: учеб. пособие. – М.: КНОРУС, 2007. – 328 с., Alina Safiullina, Arthur Fatkhiev, Denis Ulesov (2014). The main categories of innovative economy. *Procedia Economics and Finance* 15(2014). P. 459-465; Седов К. Б. Международная торговля услугами и участие в ней России. Дис. ... канд. экон. наук: 08.00.14.-М., 2000. -192 б.; Холодова С.В. Россия на международном рынке образовательных услуг высшего образования. Дис. ... канд. экон. наук : 08.00.14. – СПб., 2012. – 224 б.; Медынская И.В. Методология управления образовательными услугами для иностранных граждан в регионах России. Дис. ... док. экон. наук: 08.00.05. – СПб., 2012. – 376 б.; Рогова Т.М. Экспорт образовательных услуг российских вузов: барьеры и перспективы. Дис. ... канд. экон. наук: 08.00.14.-М., 2013.-200 б.; Галашова Е.А. Россия на мировом рынке услуг: стратегия диверсификации экспорта. Дис. ... канд. экон. наук: 08.00.14. – М., 2006.– 195 б.

⁸ Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. Монография. – Т.: Наврўз, 2014. – 264 б.; Тухлиев И.С. ва бошқалар. Туризмни режалаштириш. Дарелик. – Т.: Иқтисод-молия, 2010. – 157 б.; Очилов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари.(монография) – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 190 б.; Абдуллаев Ё.А, Бозор иқтисодиёти асослари. – Т.: Мехнат, 2002. – 432 б.; Бегалов Б.А. Ахброт-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. И.ф.д. ... дис. автореферати – Т.: Фан ва технологиялар, 2001. – 36 б.; Бекмуродов А.Б., Мусалиев А.А. Информационный бизнес. Учебное пособие. – Т.: ТГЭУ, 2006. – 288 б.; Ахунова Г.Н. Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва уни такомиллаштириш. И.ф.д...дис. – Т.: ТДИУ, 2004. – 256 б.; Махмудов Н.М., Акабиров Д.Н. Стратегия инновационного развития промышленности Республики Узбекистан в период модернизации экономики: Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011 – 282 с.; Досчанов Т.Д. Экономико-экологические основы производства и применения продукции химической промышленности в АПК. Дисс. ...докт. экон. наук. – Т.: 1990. – 405 б.; Рўзметов Б.Р. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дисс. ...док. экон. наук. – Т.: 1998. - 39 б.; Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д.дис...автореферати – Т., 2016. – 78 б.; Эшбоев А.Х. Бозор муносабатларига ўтиш даврида таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири: И.ф.н.дис...автореферати – Т.: ЎзМУ, 2008. – 25 б.; Усмонова Р.М. Таълим хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш(олий таълим мисолида). И.ф.н....дис. автореферати – Т., 2011. – 25 б.; Қўзиев З.Б. Таълим тизимида хизматлар ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш. И.ф.б. фалсафа доктори (PhD)....дис. автореферати. – Т., 2020. – 52 б.

ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш, юқори даромадга эришишини таъминлашда инновацион хизматлар халқаро савдосини ва бунда ривожлантиришнинг юқори имкониятига эга бўлган таълим хизматлари ва дастурлаш хизматлари билан боғлиқ илмий-назарий ҳамда амалий таклифлар киритишнинг аҳамияти жуда муҳим ва долзарбдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда №А-2-87 “Худудий иқтисодий тизим ривожланишини прогноз қилишда комплекс сонли моделларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади минтақада инновацион хизматлар ва улардан таълим, дастурлаш турларини ҳамда улар экспортини ривожлантириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

очик иқтисодиёт шароитида минтақа хизматлари ва унинг инновацион йўналишлари тараққиётини илмий назарий асослаш;

ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, инновацион таълим хизматлари экспортининг республика ва вилоят иқтисодиётидаги аҳамиятини иқтисодий асослаш;

минтақада фаолият олиб бораётган юридик ва жисмоний шахслар томонидан кўрсатилаётган инновацион таълим ва дастурлаш хизматлари ҳолати таҳлили ва савдоси самарадорлигини ошириш бўйича хулосалар бериш;

минтақада хизматларнинг инновацион ривожланиш омилларини тадқиқ қилиш, таснифини ва кўрсаткичларини асослаш;

минтақа инновацион хизматлар халқаро савдосини ривожлантириш йўналишларини SWOT таҳлили ва социологик сўровномалар натижаларини тадқиқотлари билан асослаш;

Хоразм вилояти хизматлари халқаро савдосида таълим ва дастурлаш хизматлари йўналишларини статистик ва эконометрик моделлари асосида баҳолаш ва ўрта муддатларга прогнозлаш.

Тадқиқот объекти бўлиб минтақада инновацион хизматлар кўрсатаётган хизмат кўрсатиш тармоқлари ва бунда асосан таълим ва дастурлаш хизматларини кўрсатаётган олий ўқув юртлари ва ташкилотлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети эса минтақада инновацион хизматлар турларини ва уларнинг халқаро савдосини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, тизимли ва қиёсий таҳлил, SWOT таҳлил, социологик сўровнома, статистик таҳлил ва эконометрик моделлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хизматлар инновацион турларини ривожлантиришнинг субъектлари фаолиятини манзилли молиялаштиришда рақамли иқтисодиётга асосланган ташкилий-иқтисодий механизми такомиллаштирилган;

таълим ва дастурлаш хизматлари ривожланишининг экзоген ва эндоген омилларини социологик сўровнома асосида таҳлил қилиш орқали минтақа инновацион хизматлар турлари сифат кўрсаткичларининг натижавий омилларини logit ва probit моделлари асосида баҳолаш механизми ишлаб чиқилган;

минтақада таълим ва дастурлаш хизматлари кўрсатиш сифатини жаҳон стандартларига мослаш мақсадида инновацион хизматлар халқаро савдосини ривожлантиришнинг мақсад - вазифа - воситаларни тизимли амалга оширувчи концептуал модели ишлаб чиқилган;

минтақада инновацион таълим ва дастурлаш хизматлари ривожланишининг эконометрик моделлар асосида 2022-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилояти хизматлари таркибида инновацион хизматлардан бўлган таълим ва дастурлаш хизматлари турларини ривожлантиришнинг йўналишлари ва улар шарт-шароитлари, муҳим, ўзига хос хусусиятлари, кўрсаткичлари бўйича илмий-амалий тавсиялар асослаб берилган;

минтақа таълим ва дастурлаш хизматлари субъектлари фаолияти социологик сўровлар ёрдамида ўрганилди ва улар натижалари мантиқий статистик моделлар асосида тадқиқ қилиниб, бу илғор хизматлар турлари ривожланиши бўйича амалий тавсиялар берилган;

минтақада инновацион хизматлар халқаро савдосини ривожлантиришнинг кўп омилли статистик моделлари асосида таҳлили амалга оширилган;

Хоразм вилоятида инновацион таълим ва дастурлаш хизматларини ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган кўп вариантли прогнози ишлаб чиқилди, ҳамда таълим ва дастурлаш хизматларини ривожлантириш концепцияси асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси даврий ҳисоботларидан олинганлиги, келтирилган таҳлил ва тадқиқот ишлари самарадорлигини диссертант томонидан ишлаб чиқилган ва қўлланилган анкета сўровномалари, эконометрика ва статистика усуллари ёрдамида асосланганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, ишда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълим ва дастурлаш хизматларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан амалиётда фойдаланиш мумкинлиги, инновацион хизматлар турларини

ривожлантиришнинг минтақа иқтисодиёти учун ижобий самарасини аниқлашда, минтақа иқтисодиётини стратегик ривожлантиришда хизмат қилиши ва соҳани ривожлантириш концепциясини асослаш бўйича чоратadbирлар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республика ва минтақада инновацион хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, берилган таклиф ва хулосалардан таълим ва дастурлаш хизматларини кўрсатиш бўйича ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли давлат, минтақавий дастурлар ишлаб чиқиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ҳамда олий ўқув юртларида “Хизматлар соҳаси иқтисодиёти”, “Инновацион иқтисодиёт”, “Халқаро иқтисодий муносабатлар” ва бошқа фанларни ўқитишда ва соҳага оид илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Минтақада инновацион хизматлар ва бунда таълим ва дастурлаш хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хизматлар инновацион турларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми рақамли иқтисодиёт тамойилларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш юзасидан берилган таклиф Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 6 октябрдаги 11/03-15-8241 сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши инновацион хизматлар турларини ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини аниқлаб берган;

таълим ва дастурлаш хизматлари ривожланишининг экзоген ва эндоген омилларини социологик сўровнома асосида таҳлил қилиш орқали минтақа инновацион хизматлар турлари тавсифини ишлаб чиқиш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 6 октябрдаги 11/03-15-8241 сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши натижасида келажакда инновацион таълим хизматлари кўрсатилишидаги сифат кўрсаткичлари эҳтимоллигини 98,9% гача, дастурлаш хизматлари фаолияти самарадорлигини 91,9% гача ошириш мумкинлиги асослаб берилган;

минтақада инновацион таълим ва дастурлаш хизматлари ривожланишининг эконометрик моделлар асосида 2021-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 6 октябрдаги 11/03-15-8241 сонли маълумотномаси). Таклифларнинг жорий қилиниши 2025 йилга бориб таълим хизматлари реал ҳажмини 1,5 баробар, дастурлаш хизматларини 2,4 баробарга ошириш прогнозларини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

минтақада таълим ва дастурлаш хизматлари кўрсатиш сифатини жаҳон стандартларига мослаш мақсадида инновацион хизматлар халқаро савдосини ривожлантиришнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш юзасидан берилган таклиф Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси амалиётида фойдаланилган

(Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 6 октябрдаги 11/03-15-8241 сонли маълумотномаси). Таклифларнинг жорий қилиниши Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясида белгиланган ҳудудий чора-тадбирларини амалга оширишда кўшимча имкониятларини очиб берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 3 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола (4 та республика ва 2 та хорижий) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, тадқиқотнинг умумий ҳажми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Минтақада инновацион хизматлар турларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида очиқ иқтисодиёт шароитида инновацион хизматлар турларини ривожланишининг объектив зарурлиги ҳамда унинг аҳамияти, минтақада инновацион хизматлар турларини ривожлантиришнинг илғор хорижий тажрибалари, инновацион хизматлар бозорини ривожлантиришда Ўзбекистоннинг жаҳон савдо ташкилотига ва минтақавий ҳамкорлик ташкилотларига аъзо бўлишининг иқтисодий-ижтимоий асослари тадқиқ қилинган.

Очиқ бозор иқтисодиёти шароитида инновацион хизматлар турларининг ривожлантирилиши мамлакат ва минтақа иқтисодиёти ўсиши, ҳамда халқаро хизматлар савдосида унинг рақобатбардошлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунга асосий сабаб бўлаётган омилларидан бири, ишлаб чиқариш ва аҳоли хизматлар истеъмолининг кўпайиши, савдонинг эркинлашуви, эркин иқтисодий ҳудудлар сонининг ортиши, инвестиция ва, энг муҳими, инновацион технологияларнинг ўсиб бораётганлигидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта заҳиралардан бири ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилоти таҳлилларига

кўра, сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартиради”⁹.

Инновацион хизматлар турлари ривож бевосита ушбу мамлакатда олиб борилаётган илмий изланишлар, тадқиқотлар, ихтиролар ва бошқа омилар билан чамбарчас боғлиқ. Буни биз мамлакатлар янги ихтироларининг жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Патент кооперацияси тўғрисидаги шартномага аъзо мамлакатларнинг халқаро патент талабномалари ҳажмидан ҳам хулоса қилишимиз мумкин (1А ва 1Б-расм).



1А ва 1Б-расмлар. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Патент кооперацияси тўғрисидаги халқаро патент талабномалари маълумоти

Ўзбекистоннинг бундай салбий кўрсаткичларига асосий сабаб қилиб, хизматлар соҳасида инновацион хизматлар улушининг камлиги билан изоҳлаш мумкин.

Инновацион хизматлар турларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ташкилий ҳамда иқтисодий тадбирлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ташкилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилди (2-расм).

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 16 июндаги хизмат кўрсатиш ва ички туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. <https://xs.uz/uzkr/site/search?q=2020-06-16>.



2-расм. Инновацион хизматлар турларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари¹⁰

Глобаллашув жараёнларининг тезлашиши, жаҳон иқтисодиётида рақобатнинг кескинлашуви мамлакатларни инновацион фаолиятга катта эътибор қаратилишига ва илмий тадқиқот ҳамда ишланмалар кўламини оширишга олиб келмоқда. Мамлакатлар давлат бюджетининг катта қисмини ҳамда ички ва хорижий инвестицияларнинг асосий улушини айнан ушбу соҳага йўналтирмоқдалар. Ушбу илмий-тадқиқот ва ишланмалар учун энг кўп пул ажратаётган мамлакатлар ўнлиги бугунги жаҳон иқтисодиётида ўзларининг инновацион маҳсулотлари ва инновацион хизматлари билан асосий ўринни эгаллаб келмоқдалар. (1-жадвал).

¹⁰ Муаллиф ишланмаси

**2020-2021 йилларда илмий-тадқиқот ва ишланмалар учун энг кўп
пул ажратаётган мамлакатлар ўнлиги.¹¹**

т/р	Мамлакатлар	2020			2021 прогноз		
		ЯИМ (PPP*) Млрд. АҚШ доллари	ЯИМга нисбатан R&D* нинг % даги улуши	R&D учун харажатлар ўсиши (PPP) Млрд. АҚШ доллари	ЯИМ (PPP) Млрд. АҚШ доллари	ЯИМга нисбатан R&D нинг % даги улуши	R&D учун харажатлар ўсиши (PPP) Млрд. АҚШ доллари
1	Хитой	29010,7	1,98	574,4	31389,6	1,98	621,5
2	АҚШ	20145,1	2,88	580,2	20789,7	2,88	598,7
3	Япония	5174,2	3,50	181,1	5210,4	3,50	182,36
4	Германия	4283,5	2,84	121,65	4480,5	2,84	127,25
5	Ҳиндистон	9991,1	0,86	85,92	10870,3	0,86	93,48
6	Жанубий Корея	2002,6	4,35	87,11	2102,7	4,35	91,47
7	Франция	2864,7	2,25	64,46	2,979,3	2,25	67,03
8	Россия	3927,7	1,5	58,92	4037,7	1,5	60,57
9	Буюк Британия	2876,7	1,73	49,77	2983,1	1,73	51,61
10	Бразилия	3199,3	1,16	37,11	3288,9	1,16	38,15

*PPP (Purchasing power parity) - Сотиб олиш қобилияти паритети

*R&D (Research and development) - Илмий-тадқиқот ва ишланмалар

Ҳозирги даврда халқаро хизмат кўрсатиш ва сервис бозори тегишли халқаро ташкилотлар томонидан тартибга солинади. Улар қаторида 40 га яқин халқаро ташкилотлар киритилади. Буларга, хусусан, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), БМТ савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР), фан, маданият ва таълим бўйича БМТ ташкилоти (ЮНЕСКО), Интеллектуал мулк бутунжаҳон ташкилоти (ВОИС) ва бошқа бир қатор халқаро ва минтақавий ташкилотларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистоннинг юқорида қайд қилинган халқаро ташкилотларга, қолаверса, жаҳон савдо ташкилотига ва минтақавий ҳамкорлик ташкилотларига тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро самарадорлик тамойилларига асосан аъзо бўлиши мамлакат кейинги тараққиёти учун самарали бўлишини асослайди.

Диссертациянинг **“Минтақада инновацион хизматлар ҳолати таҳлили, ривожланиш омиллари ва самарадорлигини аниқлаш масалалари”** деб номланган иккинчи бобида мамлакат ва минтақада замонавий хизматлар турлари ривожланишининг таҳлили олиб борилган, минтақада инновацион хизматлар турлари ривожланишига асосий таъсир

¹¹ <https://www.rdworldonline.com/2021-global-rd-funding-forecast-released/> 2021 глобал илмий-тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштириш прогнози

қиладиган экзоген ва эндоген омилларнинг таъсири таснифланган ҳолда ўрганилган, хизматлар соҳаси ривожда минтақа хизмат корхоналарининг ички ва хорижий бозорлардаги фаолияти халқаро ҳамда миллий статистик ҳамда қиёсий усулларда баҳоланиб ўрганилган(2-жадвал).

2-жадвал

Хоразм вилоятида хизмат кўрсатувчи субъектларнинг инновацион фаолияти билан боғлиқ хизматлар турлари тавсифи¹²

Т/р	Хизмат тури	Субъектлар	Фаолиятида янги йўлга қўйилган хизматлар	Янги киритилиши мумкин бўлган қўшимча инновацион хизматлар
1	Бизнесни ташкил қилишда кўмак берувчи субъектлар	Ҳазорасп эркин иқтисодий худуди	"Ягона дарча" тамойили асосида зарур бўлган барча рухсатномаларни бериш	Start-up ассистентлик
2	Ахборот-коммуникация хизматларини олиб боришда иштирок килувчилар	"Data center"	Ички бозор талабини қондириш учун дастурлар ишлаб чиқиш	Янги замонавий дастурлар яратиб чет эл бозорларига чиқиш
3	Қурилиш, таъмирлаш, инжиниринг ва бошқа техник меъёрий хизматлар иштирокчилари	"Glass pro" ООО	Қўшни Республикаларда ва минтақаларда филиаллар ташкил қилиб, замонавий шиша маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва ўрнатиш хизматлари	Ойналарга жойлаштирилган замонавий электро жалюзлар экспортини ташкил қилиш
4	Ҳар қандай етказиб бериш хизматлари иштирокчилари	"Zuv bozor"	248 хил етказиб бериш хизмати	Миллий маҳсулот турлари ва сонини оширган ҳолда ташқи бозорларга етказиб бериш
5	Таълим, малака ошириш ва қайта ўқитиш хизматларини кўрсатувчи жисмоний ва юридик шахслар	Урганч давлат университети	Ўқитишнинг онлайн, офлайнга асосланган кундузги, сиртки ҳамда кредит тизимининг жорий қилинганлиги	Choice Based Credit system (CBCS) – Ўқитишнинг танловга асосланган кредит тизими, Blended learning (аралаш ўрганиш) ¹³ , Increasing role of social media in education (Таълимда ижтимоий тар-моқлар ролини ошириш) ¹⁴
6	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ экологик хизматларни кўрсатувчи	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг вилоят бошқармалари	"Евро-2, -3" экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича объектларни экологик сертификатлаштириш	"Евро-4, -5" экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш

¹² Муаллиф ишланмаси

¹³ Vance, M. (2013) — 2013 Higher education trends: Blended learning.

¹⁴ Englar, C. (2013) — Top 5 Education trends in 2015.

	субъектлар			
7	Молиявий ва инвестициявий хизматлар кўрсатувчи субъектлар	Миллий банк, Агробанк	Рақамли форматда фаолият юритадиган илк банклар	Ривожланган мамлакатлар инновация банклари талабларига ислом шартлари асосида кредитлар ажратиш
8	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи субъектлар	Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг филиали	Эндовоскуляр жарроҳлик амалиёти	Юрак трансплантацияси
9	Туризм ва сайёҳлик хизматлари кўрсатувчи субъектлар	Туризм соҳасида фаолият олиб бораётган барча ташкилотлар	Масофавий 3D саёҳат	Барча туристик ва нотуристик ташкилотлар ўртасида сайёҳлар вақтини тежаш, расмиятчиликни камайтириш мақсадида чегарадан ўтаётган вақтда ягона регистрация қилиш платформасини жорий қилиш.
10	Рекреация, маданий ва спорт хизматлари кўрсатувчи субъектлар	Соҳада фаолият олиб бораётган барча ихтисослашган ташкилотлар	Маданий мерос объектлари, рекреация ва спорт масканларига, хунармандчилик маҳаллалари, агро-этно қишлоқларга саёҳатлар	Қум, туз конлари ва иқлим билан даволайдиган маҳаллий табиий халқ табобати масканлари тизимини ишга тушириш
11	Транспорт ва логистика хизматлари кўрсатувчи субъектлар ва бошқалар	Ўзбекистон темир йўллари ва автомобиль йўллари	Хива-Бухоро-Хива тезюрар поезда, Қорақум, Қизилқум саҳроларига саёҳатлар	Минтақанинг ўзигагина хос бўлган ҳудудларига экотакси, экомобиль ҳамда от, туялардан фойдаланган ҳолда турли эко-экзотик хизматларни йўлга қўйиш

Минтақада кўрсатилаётган анъанавий хизматлар ёки янги, ҳали амалиётга энди кириб келаётган хизматларнинг татбиқ қилинишидан, унинг истеъмолчиларга етиб боргунча бўлган жараёнда иштирок қилувчиларни инновацион фаолиятини, жаҳон савдо ташкилотининг хизматларнинг тармоқлар таснифи бўйича рўйхатига асосланган ҳолда, биз Хоразм вилоятида хизмат кўрсатувчи субъектларнинг хизматлар турлари бўйича инновацион фаолияти билан боғлиқ умумлаштирилган тавсифини таклиф қиламиз.

экзоген омиллар		эндоген омиллар
<ul style="list-style-type: none"> - Тўғри ташкил қилинган ташқи иқтисодий алоқалар - Интеграцион алоқалар - Молиявий ресурслар - Эркин савдо ҳудудлари - Жаҳон талабидаги стандартлар ва бошқалар 	Иқтисодий	<ul style="list-style-type: none"> - Хизмат кўрсатиш тури - Даромадлар манбалари ва тақсимланиши - Субсидия, молиявий ёрдам ва захира - Фаолият кўлами даражаси ва бошқалар
<ul style="list-style-type: none"> - Миллий қадриятлар ва анъаналар - Диний қарашлар - Тарихий қадриятлар ва алоқалар - Аҳолининг соҳага бўлган мойиллиги - Ижтимоий инфратузилмалар мавжудлиги 	Ижтимоий	<ul style="list-style-type: none"> - Ходимларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимояси - Ижтимоий рағбат тизимининг йўлга қўйилганлиги - Ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ва устоз-шогирд муносабатлари
<ul style="list-style-type: none"> - Географик жойлашув - Табiiй ресурслар - Экологик ва санитар гигиеник вазият - Табiiй-географик офатлар - Ҳарорат, иқлим ўзгаришлари ва бошқалар 	Табiiй	<ul style="list-style-type: none"> - Хизматларнинг экостандартларга мослиги - Экологик билим, маданият ва этика - Табiiй офат ва иқлимий ўзгаришлардан ҳимояланиш воситалари, жиҳозлари ва бошқалар
<ul style="list-style-type: none"> - Инновацион технологияларнинг жалб қилинганлиги - Соҳага илмий ёндашув - Инфратузилма даражаси - Технополис, технопарклар ҳамда марказлар ташкил қилинганлиги ва бошқалар 	Фан ва техника-технология	<ul style="list-style-type: none"> - Техник ва технологик қуролланганлиги - Фан-техника ютуқлари жорий қилиниши - Ходимлар малакасининг ошиб бориши ва бошқалар
<ul style="list-style-type: none"> - Юқори сифатли маълумотлар базасини шакллантириш - Ҳамкорлар билан алоқалар ва улар ўртасидаги рақобатга оид маълумотлар - Тезкор ва бирламчи ахборотлар олинишининг инновацион воситалари ва бошқалар 	Ахборот	<ul style="list-style-type: none"> - Ишчилар билан алоқа ва тесқари алоқа мавжудлиги - АКТ билан таъминланганлик ва улардан фойдаланиш даражаси - Ходимларнинг кундалик маълумот билан таъминланганлиги, киберхавфсизлик ва бошқалар
<ul style="list-style-type: none"> - Замонавий бошқарув усуллари - Халқаро ташкилотларга аъзолик - Икки ва кўп томонлама алоқалар - Малакали кадрлар, улар билимини ошириш, қайта ўқитиш ва бошқалар 	Ташкилий	<ul style="list-style-type: none"> - Қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда назорат ва мониторинг - Соҳада ходимларнинг етарли тажрибага эгаллиги ва лаёқати - Ички бошқарув тизими шаффофлиги - Ходимларнинг жамоага содиқлиги ва бошқалар
<ul style="list-style-type: none"> - Халқаро ҳуқуқий нормалар - Соҳага оид ҳуқуқий нормалар ва меъёрий ҳужжатлар - Халқаро ҳуқуқий назорат ва мониторинг - Ҳамкорликка оид халқаро ҳуқуқий шартномалар, келишувлар ва бошқалар 	Ҳуқуқий	<ul style="list-style-type: none"> - Мулкий эгаллик қилиш шакли ва хусусиятлари - Соҳа ва ходимлар фаолиятининг ҳуқуқий ҳимояланганлиги - Ходимлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолатланганлиги - Қонун устуворлиги ва бошқалар

3-расм. Хизмат кўрсатувчи субъектларни ташкил қилиш ва самарали фаолиятини таъминлашга таъсир қилувчи экзоген ва эндоген омиллар гуруҳлари таснифи¹⁵

¹⁵ Муаллиф ишланмаси

Таълим хизматларида эса мамлакатимиз таълим тизими учун янги бўлган “Choice Based Credit system (CBCS) – Ўқитишнинг танловга асосланган кредит тизими” ни мамлакатимиз ва унинг минтақаларида жорий қилиниши соҳанинг янада ривожланишига сабаб бўлади. Ушбу инновацион тизимнинг жорий қилиниши таълимда назоратни кучайишига, талабаларнинг мустақил изланишига, педагоглар ўртасида кучли рақобат шаклланишига, ўқув дастурларининг жаҳон стандартларига яқинлашишига, тизимнинг электронлашишига ва энг муҳими, миллий таълим тизими имиджининг жаҳон таълим бозори стандартлари даражасига кўтарилишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча, инновацион таълим хизматлари – бу ўрганувчиларга самарали, қизиқарли ва осон услубда билимларни етказиб беришнинг янги ҳамада ноёб ўргатиш технологиясидир. Таълим беришнинг анъанавий шаклларидадан воз кечган ҳолда, ўрганувчиларда хато қилиб қўйишдан чўчимаслик ва тўлиқ эркин ҳолда ғояларини юзага чиқаришга имконият яратиб бериш, деб ҳисоблаймиз.

Инновацион хизматлар турларининг кўпайиши, унинг ривожини минтақада мавжуд имкониятлар, шарт-шароитлар билан биргаликда, экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) омиллар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Тадқиқотлар ва таҳлиллар асосида минтақамизда хизматлар халқаро савдосининг бугунги кундаги ҳолати ва унинг келажакда ривожланишига кўплаб экзоген ва эндоген омиллар таъсирлари жуда юқорилигини кузатиш мумкин. Хизмат кўрсатувчи субъектлар ҳамда уларнинг фаолият юритиши билан боғлиқ жараёнларга таъсир қилувчи барча омиллар шартли равишда икки катта гуруҳга, яъни, экзоген ва эндоген омилларга бўлиб ўрганилди. Назаримизда омилларни бундай таснифлаш ва улар таҳлили минтақада инновацион хизматлар ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ҳамда йўл қўйилаётган камчиликларни тезда бартараф қилиш имконини беради ва келажакда соҳа жадал ривожидида амалий дастур бўлиб хизмат қилади. Хизмат кўрсатиш субъектларининг энг замонавий маркетинг сиёсатидан фойдаланиши, энг оптимал менежмент тизимининг жорий қилиниши, “Евро-4, 5” экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштирилиши, халқаро ҳуқуқий нормалар, ва, энг муҳими, хавфсизлик стандартларига мос келиши талаб қилинади.

Амалиётда, халқаро савдо муносабатларини олиб боришда, қиёсий устунликни баҳоловчи билвосита усуллардан фойдаланилади. Бундай усуллардан бири иқтисодчи олим Б. Баласса томонидан таклиф қилинган қиёсий устунликни ифодаловчи (RCA: Revealed Comparative Advantage) индекс¹⁶ ҳисобланади:

$$RCA = \frac{X_{ij}}{X_{tj}} / \frac{X_{iw}}{X_{tw}} , \quad (1)$$

¹⁶ Balassa, B. (1964). Competitiveness of American Manufacturing in World Market. Changing Patterns of Foreign Trade and Payment, Balassa, B. – P. 26-27.

Бу ерда,


X_{ij} – j давлатдан i хизмати экспорти

X_{tj} – j давлатдан жами хизматлар экспорти

X_{iw} – жаҳон бўйича i хизмати экспорти

X_{tw} – жами жаҳон бўйича хизматлар экспорти

Халқаро савдо маркази (ИТС) маълумотларига биноан, 2019 йилда Ўзбекистон бўйича жами хизматлар экспорти ҳажми 3095,1 млн. ва бунда компьютер ҳамда дастурлаш хизматларининг улуши 2019 йилда 6,1 млн. ва 2020 йилда 11,01 млн. АҚШ долларига тўғри келган. Жаҳон бўйича худди шу хизматлар ҳажми 532,5 млрд., умумий хизматлар ҳажми 6217,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Пандемия оқибатлари таъсирида умумий хизматлар ҳажми камайиши ва компьютер ҳамда дастурлаш хизматлари ҳажми ўсиши натижасида, ушбу индекс ҳажми 2019 йилдаги 0,027 дан 2020 йилда 0,068 га ўсган. Ушбу даврда индекс ҳажми ўсишига қарамасдан, юқори салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон учун бу етарли эмас. 2020 йилга келиб МДҲга аъзо мамлакатлари билан қиёслаганда, Ўзбекистон фақат Тожикистон ҳамда Қирғизистондан юқори кўрсаткичга эга. Жаҳондаги энг етакчи ўринда бўлган Ирландия эса жами хизматлар экспортининг 51%и ёки 121999,6 млн. АҚШ долларига тенг миқдор билан компьютер ҳамда дастурлаш хизматлари бўйича энг юқори 6,178 индексга эга бўлиб, халқаро савдода жуда катта устунликка эга (4-расм).



4-расм. 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан компьютер ҳамда дастурлаш хизматлари бўйича қиёсий устунлигини ифодаловчи RCA индекси¹⁷

¹⁷ Халқаро савдо маркази (International Trade Center) маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси [<https://www.trademap.org>]

